## ЎЗБЕКИСТОН -- ҚОЗОҒИСТОН:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан Алматида бўлади. Бу давлатимиз бошлиғининг Қозоғистонга биринчи расмий ташрифидир, бинобарин ушбу ташриф билан боғлиқ барча маълумотлар Ўзбекистон жамоатчилигини қизиқтиришига шубҳа йўқ. Шу муносабат билан, биз Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Носиржон Ёқубовга бир неча савол билан мурожаат қилдик.***



**-- Носиржон Норович, аввало, энг муҳими тўғрисида: Ислом Каримовнинг Алматига ташрифидан нималар кутилмоқда?**

--Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистонга ташрифлари ҳамиша икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари билан боғлиқ бўлган. Маълумки, давлатларимиз ҳозир ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу даврнинг қийинчиликлари, аввало, шу билан изоҳланадики, жаҳон тажрибасида социалистик намунадаги тоталитар тузумдан бозор муносабатларига ўтиш ҳоллари кузатилмаган.

Иқтисодиёти эркин фаолиятга асосланган давлатлар ўртасидаги муносабатлар божхона иттифоқи, солиқ, ўзаро тўловлар ва шу каби бошқа жабҳалардаги ўзаро келишилган шартларга мувофиқ амалга оширилиши маълум. Бизнинг давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи эса, ўтиш даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар берган имкониятга қараб ҳал этилмоқда.

Бу хусусда Қозоғистон оммавий ахборот воситалари якдиллик билан Президент Ислом Каримовнинг Қозоғистонга биринчи расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади, демоқда.

**-- Ўзбекистон -- Қозоғистон муносабатлари қандай ривожланмоқда? Ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун, сизнингча, қайси соҳаларга эътиборни кучайтириш зарур?**

-- Қозоғистон -- Ўзбекистон муносабатларининг ривожи тўғрисида шуни айтиш кераккки, бу муносабатлар икки қардош халқ тарихий ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқдир. Шугина эмас, қўшни мамлакатлар халқларининг дўст бўлиб яшаши ҳаёт қонуни бўлса керак. Чунки бундай дўстлик, айниқса, эскириб қолган иқтисодий муносабатлар бузиб ташланиб, барча қийинчиликларга қарамай, янгича муносабатлар ўрнатилаётган пайтда ўз-ўзидан вужудга келмайди. Халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлларининг қандайдир босқичларини белгилашга ҳаракат қиладиган бўлсак, биз ривожланган мамлакатлар деб аталган давлатларнинг тажрибасига мурожаат қилишимиз лозим. Яъни, аввало, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни имкон қадар мустаҳкамлаш талаб қилинади. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, хусусий корхоналар даражасидаги ўзаро савдо-сотиқ учун кенг имкониятлар яратиш лозим бўлади.

Бу масалалар ўз ечимини топиши шубҳасиз, лекин бунинг учун ўзаро манфаатли иқтисодий интеграция йўналишидаги тараққиётнинг муайян босқичидан ўтиш керак. Бу йўналишда, айниқса, ягона иқтисодий маконнинг имкониятлари катта. Аста-секин тажриба орттириб бораётган бу макон келгусида мамлакатларимиз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришимиз тараққиёти йўналишларини белгилайдиган бўлиши лозим.

Чамаси, дарсликлар, ўқув дастурлари мазмуни ва тамойилларини бир-бирига яқинлаштириб, ягона иқтисодий макон доирасида халқ таълими маконини вужудга келтиришни ўйлайдиган вақт ҳам келди. Чунки бу жараён пировардида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш учун зарур замин яратади.

**- Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ягона иқтисодий маконга асос солган кунидан буён ўтган вақт мобайнида қандай ишлар амалга оширилди?**

-- Маълумки, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси давлат раҳбарлари 1994 йилнинг 30 апрелида Чўлпонота шаҳрида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Шартномага аъзо давлатларнинг олий қонун чиқарувчи органлари томонидан тасдиқланган мазкур ҳужжат Марказий Осиёдаги уч давлат иқтисодий ҳамкорлиги учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

1994 йил 8 июлда Алматида шартномада иштирок этувчи давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига мос келадиган бир қанча асосий ҳужжатлар қабул қилинди, давлатлараро кенгаш ҳамда унинг доимий ишчи органи -- қароргоҳи Алматида жойлашган давлатлараро ижроия қўмитаси ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки тузилди.

Давлатлараро кенгаш таркибида:

-- Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари кенгаши;

-- Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари кенгаши;

-- Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси мудофаа вазирлари кенгаши ишлаб турибди.

Давлатлараро ижроия қўмитаси мувофиқлаштириш-маслаҳатлашув, фарзий-таҳлилий, ахборот олиш ва узатиш вазифаларини бажармоқда, шунингдек давлатлараро кенгаш ва унинг тузилмалари томонидан қабул қилинган қарорлар, давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ва битимларнинг бажарилишини назорат қилиб бормоқда. Шартномада қатнашувчи давлатлар ҳукуматлараро мутахассислар гуруҳларининг иши мувофиқлаштириб турилибди.

Мунтазам равишда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, мудофаа ва ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари ўтказилмоқда.

Давлатлараро ижроия қўмитаси, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасидаги интеграциядан бевосита манфаатдор бўлган корхоналар ходимларининг учрашувлари, кенгашларини ҳам уюштирмоқда.

Давлатлараро кенгаш фаолияти даврида давлат бошлиқларининг ўнга яқин учрашуви, бош вазирлар кенгашининг бешта мажлиси ўтказилди, бу учрашув ва кенгашларда уч давлат интеграцияси жараёнининг долзарб масалаларига таалуқли муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Турли тармоқ вакилларининг йигирмадан ортиқ амалий учрашувлари ташкил этилди. Жумладан, Бишкекда енгил саноат ходимлари, Тошкентда агросаноат мажмуи ходимлари, Алмати, Бишкек, Тошкентда соғлиқни сақлаш ходимлари учрашуви, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Ўзбекистон -- Жанубий Корея қўшма корхонаси «ЎзДЭУавто» ишлаб чиқараётган автомобиллар учун бутловчи узеллар ва деталларга буюртмаларни мувофиқлаштириш юзасидан Қозоғистон ва Қирғизистондаги йирик саноат корхоналари раҳбарларининг учрашуви ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг 2000 йилгача бўлган дастури ҳамда биринчи навбатда амалга ошириладиган сармоявий лойиҳалар Давлатлараро кенгаш фаолиятининг энг муҳим натижасидир. Мазкур дастур халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини қамраган бўлиб, 50 дан ортиқ лойиҳани ўз ичига олади. Дастурдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки орқали амалга оширилади.

Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ҳозирнинг ўзидаёқ электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш, Қозоғистонда табиий цеолит қазиб олиш ва қайта ишлаш, Қирғизистонда электр моторлар ҳамда газ сарфини ҳисоблайдиган асбоблар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларни маблағ билан таъминламоқда. Бу банкнинг Ўзбекистонда ҳам бир неча лойиҳани молиявий таъминлаши кутилмоқда.

Шартномада иштирок этувчи давлатлар электротехника саноати соҳасида меҳнат кооперацияси бошланди. Марказий Осиёда биринчи марта «Центразэлектрон» номли давлатлараро молия-саноат гуруҳи тузилди. Унга уч давлатдан ўттизга яқин корхона аъзо бўлиб кирган.

**Анвар БОБОЕВ суҳбатлашди. (ЎзА).**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Она Ватанимиз -- Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурати фуқароларда замонавий фалсафий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишини ўта долзарб вазифа сифатида олға сурмоқда. Шу йилнинг 20 май куни Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бунинг яққол далилидир.

Ушбу масалалар ЎзФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида 30 май куни бўлиб ўтган республика, анъанавий IV «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари»га бағишланган илмий-назарий конференцияси дастуридан ўрин олди. Унинг ялпи мажлисида маънавият таркибида фалсафий тафаккурнинг ўрни, алгоритмлаштиришнинг, ҳозирги замон физикасининг фалсафий муаммолари ва бозор муносабатларини шакллантиришда ҳуқуқнинг аҳамияти, ҳуқуқ фани ва ҳуқуқий маданият мавзуидаги маърузалар тингланди.

Анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, мамлакатимизнинг турли вилоятлари, шаҳарларидан тўпланган, 160 га яқин файласуф ва ҳуқуқшунос олимлар, жумладан, ёш тадқиқотчилар, ўз тадқиқотларининг натижалари билан ўртоқлашдилар, муаммолар хусусида баҳс ҳамда мунозаралар юритдилар.

Конференция иштирокчиларининг иккита китобдан иборат маърузалари тўплами чоп этилди.

**С. ҚУРБОНОВ, Н. ТОШЕВ.**

### «ФУТУРЕ» ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Яқинда Бухоро шаҳрида «Футуре» таълим маркази иш бошлади. У ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, бошқариш тамойилларига асосан хўжалик фаолиятини амалга оширади. Ўқувчиларга банк, менежмент, маркетинг соҳалари бўйича малакали билим бериш марказнинг асосий мақсадидир.

Ўқув машғулотларини «ТАСИ S» дастури асосида Тошкентдаги «Бозор кўникмаларини ривожлантириш» марказида малакасини ошириб қайтган ўқитувчилар олиб боришяпти. Бизнес синфларига шаҳардаги турли мактабларнинг 9-синфини муваффақиятли тугатган иқтидорли болалар суҳбат асосида танлаб олинди. Айни кунда улар 130 нафардан ошди. Ўқитиш муддати икки йилга мўлжалланган.

**Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### СУЯК ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

Навоий шаҳридаги паррандачилик ҳиссадорлик жамиятида қиймати 13 миллион сўмлик суяк уни ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Корхона завод туфайли анча-мунча емни тежайдиган бўлди. Қолаверса, энди четдан катта маблағ эвазига суяк уни олиб келишга чек қўйилади. Шу кунга қадар ҳар ойда икки миллион сўмга суяк уни сотиб олинган бўлса, эндиликда бу заводда кунига 3 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шу боис тухум ва парҳез гўшт таннархи анча арзонлашди.

**Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*МАВСУМ АРАФАСИДА*

# ҲОСИЛ КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

### уни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш ва 200 минг тонна уруғлик тайёрлашга шаймиз, дейишмоқда андижонлик ғаллакорлар



Кечагина кўзларимизни қувонтирган, мўл ҳосилдан нишона берган ям-яшил майсалар бугун мағзи тўқ бошоқларини зўр-базўр кўтарганича шабада оғушида оғир чайқалади. Меҳнаткаш, оқ кўнгил, меҳмоннавоз халқимизнинг ризқ-насибаси, Ватанимизнинг бебаҳо бойлиги у. Деҳқон қувончига тўлган ана шу пайкаллар ҳадемай комбайнлар, юк машиналари гулдуросига тўлади.

Андижонлик ғаллакорлар 70 минг гектар майдонда буғдойнинг «Юна», «Спартанка», «Скифянка» навларини парвариш қилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ғаллакорлар бу йил мамлакатга 200 минг тонна уруғлик буғдой етказиб беришлари керак.

Хўш, вилоятда мавсум олди тайёргарлиги қандай бормоқда? Техника воситалари, ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олувчи омборлар, дон маҳсулотлари идоралари мавсумга шайми? Мухбиримиз ана шу саволлар билан мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат қилди.

**Абдусаттор ҒАНИЕВ, «Агромашсервис» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати:**

-- Ўриш комбайнлари, дон ташийдиган транспорт воситалари ва дон тозалаш механизмлари мавсумга тахт қилиб қўйилди ва уларнинг барчаси тегишли комиссиялар томонидан қабул қилиб олинди. Ўтган йили келтирилган ва ғаллакорларимиз жонига аро кирган 42 та «Кейс» комбайни ҳам мавсумга шай турибди. Бундан ташқари вилоятимизга яна 25 та ана шундай қудратли техника келтирилади.

Ғаллакорларимиз асосан уруғлик дон тайёрлайдилар. Кузда 4 минг гектар майдонга Краснодардан олиб келинган «Юна» навли буғдой сепган эдик. Ҳосилдорлиги 55--60 центнердан кам бўлмаган бу навни уруғлик учун ўзимизда олиб қолмоқчимиз. Деҳқонларимиз ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлаш учун ҳар қачонгидан ҳам асдойдил меҳнат қилишди. Ҳосил чўғи ҳозирдан кўпчиликни қувонтирмоқда. Кам деганда 65 центнердан дон йиғиштириб олинади.

Ғаллакорлар меҳнатини муносиб баҳолаш мақсадида уруғчилик хўжаликларидан навли уруғларнинг сифатига мувофиқ супер элита учун товар донга белгиланган нархдан 300 фоизга, элита уруғ учун 200 фоизга, биринчи репродукцияли уруғ учун 100 фоизга оширилган нархлар бўйича харид қилишга рухсат берилди.

Айни пайтда биз чорва озуқа базаси яратиш ва ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида дон ҳосили йиғиштириб олингандан кейин ерларни қисқа муддатларда тайёрлаб, 25 минг гектар майдонга маккажўхори, 2350 гектар ерга соя ўсимлиги, қолган пайкалларга сабзавот ва бошқа экинлар экишни режалаштирганмиз.

Ўтган йили Хўжаобод туманидаги Кўтарма пахта тозалаш корхонаси жамоаси бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларнинг бир қисмига иссиқхонада кўпайтирилган ғўза кўчатини ўтказишган эди. Катта даромад олган саноатчилар бу йил ҳам ўша тажрибани қўллашмоқчи.

**Носиржон МАМАЖОНОВ, Асака дон маҳсулотлари корхонаси бошлиғи:**

-- Вилоятимизга буғдойнинг серҳосил, дони қаттиқ «Скифянка» навидан 1000 тонна уруғлик келтирилган эди. Краснодардан олиб келинган бу нав, айтиш мумкинки, иқлимимизга тўла мос тушди. Ғаллакорларимиз ўтган йили гектаридан 55--60 центнердан ҳосил олдилар. Мутахассисларнинг фикрича экин агротехник талаблар даражасида парвариш қилинса ҳосилдорлик 70--80 центнерга етиши мумкин. Корхонамиз Асака, Марҳамат туманлари хўжаликларида етиштирилган ҳосилни қабул қилиб олади.

Жамоамиз тошу тарози, лаборатория, дон қабул қилиш пунктлари, омборхоналарни беками-кўст ҳозирладилар. Транспорт воситалари таъмирланди, синаб кўрилмоқда. Ғалла уруғчилиги бўйича бир ойлик ўқув машғулоти ташкил этдик.

**Ғ. СОДИҚОВ, касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи:**

-- Вилоят ҳокимининг қарорига асосан комбайнчиларни, транспорт воситалари ҳайдовчиларини, ўрим-йиғимда ва дон ташишда банд бўлган бошқа ходимларни комбайннинг иш унумига, ўрим-йиғим сифатига, ҳосил нобудгарчилигининг қисқартирилишига қараб рағбатлантириш чоралари ишлаб чиқилди. Меҳнатга натура билан ҳақ тўлаш жорий этилди.

Бошоқли дон экинларидан энг юқори ҳосил олиб, 1-3 ўринларни эгаллаган туманларга биттадан енгил машина ажратилди. Бу автомобиллар мазкур тумандаги юқори ҳосилдорликка эришган хўжаликка берилади. Бундан ташқари учала туманнинг ҳар бирига Ўзбекистоннинг энг яхши сиҳатгоҳларига 100 минг сўмликдан имтиёзли йўлланма ажратилди. Шунингдек, энг юқори ҳосилдорликка эришган 3 та хўжаликка вилоят ҳокимлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан 100 минг сўмдан мукофот ажратилди. Ҳар бир тумандан бир нафардан энг илғор комбайнчи ва звено бошлиғини тақдирлашга биттадан телевизор ва биттадан гилам ҳозирлаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, йиғим-теримга андижонликлар шай турибдилар.

**«Халқ сўзи» мухбири О. ШОДМОНАЛИЕВ ёзиб олди.**



*БИЗ ВА ЖАҲОН*

# АЛОҚАЛАРИМИЗ РИВОЖИ

Республикамиз олимлари бир неча йилдан буён Япониянинг ҳукуматга тегишли бўлмаган «Ниппон» ва «Сасакава» тинчлик жамғармаси мутахассислари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйган.

«Ниппон» жамғармаси таълим тизимини ислоҳ қилиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, фан ва маданият соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашса, «Сасакава» жамғармаси эса давлатлар тараққиётига хизмат қиладиган халқаро, ижтимоий ва тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгилаган.

Яқинда ушбу халқаро жамғармалар делегацияси мамлакатимизда бўлиб, турли вазирлик, ташкилот ва муассасаларда учрашув ўтказди. Ўзбекистонда юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишди.



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида бўлган мулоқотлар муҳим ва самарали бўлди. Олимлар ўзбекистонлик ҳамкасбларига Жанубий-Шарқий Осиёда рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳамда уларнинг минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги ижобий таъсири ҳақида гапириб берди. Бу борада ўзаро фикр алмашилди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг минтақада тутган ўрнига юксак баҳо бердилар. Ҳамкорлик алоқаларининг муҳим жиҳатларини белгилаб олдилар.

Делегация аъзоси, профессор Хакамада биз билан суҳбатда бўлиб Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини қуйидагича ифодалади:

-- Мен мамлакатингизда уч кун бўлдим. Бироқ, юртингизда ислоҳотлар тез суръатларда олиб борилаётганини ҳис этдим. Бу ерда ўзим учун янги, қизиқарли жиҳатларни кашф этдим. Ўзбекистон илмий салоҳияти билан мақтанса арзийди. Мутахассисларингиз билан ҳамкорлик қилиш менга қувонч бағишлайди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз эса изсиз кетмайди.

Албатта, бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар ўзбек ва япон тадқиқотчилари ўртасидаги алоқаларнинг бир бўлаги, холос. Бундай учрашувларнинг кенг тус олиши эса республикамиз равнақига хизмат қилади.

**А. ТОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти илмий ходими.**

***СУРАТЛАРДА:** Токио шаҳридан лавҳалар (ЎзА).*

# ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

## САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

***ЛОНДОН.** Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дерек Фэтчетт журналистлар билан суҳбатда Исроил ҳукуматининг Фаластин Мухториятига қарашли ҳудудларда яҳудийлар учун янги турар-жойлар қуриш ҳақидаги режаларини ўзгартирмаётгани Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнига салбий таъсир кўрсатади, деб фикр билдирди.*

*Д. Фэтчетт яқин кунлар ичида Яқин Шарқ бўйлаб сафарга чиқади ва Миср, Иордания, Сурия, Ливан, Исроил ва Фаластинда бўлади.*

## «МАРШАЛЛ ПЛАНИ»ГА 50 ЙИЛ ТЎЛДИ

***ГААГА.** АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий ташриф билан Нидерландияда бўлди. Бу ерда Б. Клинтон «Маршалл плани»га 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган ва анъанага айланиб қолган АҚШ-Европа Иттифоқи саммитида иштирок этди.*

*Маълумки, «Маршалл плани» 1947 йил июнь ойида АҚШ Давлат котиби Жорж Маршалл томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда иккинчи жаҳон урушидан кейин Европани сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш тадбирлари белгилаб чиқилган эди.*

## ПАРЛАМЕНТНИНГ ДАЪВАТИ

***СИНГАПУР.** Филиппин парламенти мамлакат Президенти ва ҳукумат аъзоларини Хитой денгизи жанубидаги оролларда АҚШ ҳарбий базасини қуриш учун розилик беришга даъват қилди. Маълумки, мазкур оролларнинг сиёсий мавқеи ва ҳудудий тобелиги ХХР билан Филиппин ўртасида турли баҳслар пайдо бўлишига сабаб бўлаётир.*

## ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

***ВАШИНГТОН.** АҚШ ҳукумати Сьерра-Леонеда ҳарбий тўнтариши рўй бергани туфайли, бу ердаги Америка фуқароларини кўчиришга қарор қилди.*

*АҚШ Давлат департаменти вакили Жон Дингернинг маълум қилишича, Сьерра-Леонедан америкаликларни олиб чиқиш учун бу ерга «Кирсерж» номли йирик десантчилар кемаси юборилган.*

## КЎМАК БЕРИШ НИЯТИДА

***ДУШАНБЕ.** БМТ Бош котибининг инсонпарварлик тадбирлари бўйича ўринбосари Ясуши Акаши расмий ташриф билан Тожикистонга келди. Я. Акаши Тожикистон ҳукумати раҳбарлари билан мазкур мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.*

**(ЎзА).**

ЁРУҒ ХИЁБОН

# ШОИР НОМИГА ҚЎЙИЛГАН САЙЁРА

**У Давид Қуғултинов деб аталади. Эркин Воҳидов айтган бу янгиликни эшитиб ҳайратландим**

Истеъдод барибир истеъдод. У трактор ҳақида шеър ёзган тақдирда ҳам нимаси билан дир, зилол сув, гул кўркини мақтаган, севги бобида қоғоз қоралаган нўноқ, ҳиссиз ижодкордан ажралиб туради. Тўғри, талант ҳар нарсага ўз кучини сарф қилавермайди, унинг ёркин ўй-ғоялари бўлади. Бироқ ҳаёт ҳаёт-да. Сен ўша орзу-хаёлларни амалга ошуви учун ҳам баъзида қисмат елкангга юклаб қўйган зил-замбил сангни енгил дейишинг, бу билан келажак ниятларга эришув учун ҳимоя чизиғини тортишинг мумкин. Нега мен бундай деяпман? 50-- 60-йиллар адабиётининг забардаст вакиллари кўнглида оғир тошдай чўкиб ётган оғриқ -- Ватан ва миллат қайғуси эди. Мен бу ўринда совет тузуми кўланкаси остида қолган барча ўлкалар ижодкорларини назарда тутаяпман. Адабиёт сарҳад билмайди, фақат миллий характер касб этиши мумкин. Расул Ҳамзатов, Қайсин Кулиев, Мустай Карим, Давид Қуғултинов, Чингиз Айтматов, Андрей Вознесенский, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Тулепберган Қаипбергенов сингари забардаст шоир ва ёзувчилар ижодидаги давр чиғириғидан омон қолган тирик дард замирида инсонни эрк ва ўзликка қайтувига бўлган олий интилишни сезиш мумкин.

Бугун Ўзбекистонда қадрини билган ҳар бир одам миллатнинг эрки ўзига қайтганини умумбашарий ҳодиса сифатида англайди ва ғурурланади. Ижод аҳли учун эса эркин сўз айтиш, тобеликдан ҳоли яшаш, халқни ҳур кўришдан ўзга саодат бўлмаса керак. Юртимизда адабиёт, санъат ишига алоҳида эътибор мавжуд. Маърифий йўриқлардан пойдевор тиклаган мамлакат ва халқ оралиғида эзгулик ришталари тортилади. Ўзбек ўқувчилари орасида кўплаб мухлисларга эга, юртимизга нисбатан ҳурмати чексиз, қалмиқ элининг забардаст ва дардчил фарзанди Давид Қуғултиновнинг 75 йиллик юбилей тўйида севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам иштирок этиб қайтди. У киши машҳур шоирга юртбошимизнинг қутлов хати ва совғаларини топширди. Шу ўринда қалмиқ китобхонлари мамлакатимиз Президентининг адабиёт ва санъат аҳлига нисбатан чексиз ҳурмат билан қарашига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Мазкур юбилей муносабати билан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шундай деди:

-- Давид Қуғултинов 50-йилларнинг охири, 60-йиллар бошида катта тўлқин билан адабиётга кириб келди. У дардчил шоир. Инсоннинг қалбини тушуниш, авайлаш кераклиги ҳақида донишмандлик билан сўз айтган ижодкор. Уни бутун дунёда танишади. Жаҳон астрономлари томонидан қайд этилган кичик сайёра ҳам Давид Қуғултинов номи билан аталди, яъни, Давид Қуғултинов деган сайёра бор. Ижодидаги баркамолликни фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонни жуда севади. Халқимизни алоҳида меҳр билан ардоқлайди. Тошкент бағри иссиқ шаҳар эканлигини эътироф этади. Ғафур Ғулом, Зулфия, айниқса, Шароф Рашидовга юксак эҳтиром билан қараган. Улар шоирнинг энг қадрдон дўстлари эдилар. Шоир маънавиятни юксак қадрлаётган, ўз зиёлиларини эъзозлаётган Президентимиздан миннатдор. Беғубор ва соф кўнгил шоир юртимизда содир бўлаётган барча жабҳалардаги ижобий ўзгаришлардан шод эканлигини яширмади. Рости, рўйи заминдаги қувонч ва ташвишларни иқтидор эгалари ўз юрагида олиб юради.

**-- Шоирнинг юбилей кечаси қай тарзда ўтди?**

-- Барча республикалардан таниқли ижодкорлар қатнашди. Инсоний туйғулар, улуғ тушунчалар илдиз отган қалб эгаси, етук истеъдодга йиғилганлар алоҳида ҳурмат бажо келтиришди. Байрам кайфиятида ўтган кеча адабиёт айёмига айланди, десам хато қилмайман.

**-- Сизни у ерда қандай ҳолатлар ҳаяжонга солди?**

-- Шоир анча кексайган. Йилларнинг заҳмати, машаққатли ижод, ўтган даврдаги қизил тузумнинг изтироблари ҳам ўз таъсирини ўтказган... Мени тўлқинлантирган томони шундаки, кечада Президентимиз табригини ўқиб берганимдан сўнг, у киши ўрнидан туриб кетди. Шу пайтгача ўриндиқда ҳам суяб туришганди. Кўзларида халқа ёш билан менинг ёнимга келиб юртбошимизни жуда қаттиқ ҳурмат қилиши, у кишидан бениҳоя мамнун эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Йиғилганлар олдида юртимиз ва меҳнаткаш халқимиз, Президентимиз ҳақида илиқ ва самимий эҳтиромга тўлиқ гапларни баён қилди. Йиғиндан сўнг Расул Ҳамзатов билан суҳбатлашиб ўтирдик. Даврада Қалмиқистон Президенти Кирсан Илюмжинов ҳам иштирок этди. У Халқаро шоҳмот федерациясининг ҳам президенти. Расул Ҳамзатов Тошкентда ўтган энг яхши дамларини хотирлади. Кирсан Илюмжинов Тошкентнинг Қибрайида студентлик вақтида шоҳмот турнирида қатнашганлигини гапириб, бу ерга келиш режасини билдирди. Ўзбекистон нафақат улуғ олимлар, шоиру ёзувчилар юртигина эмас, балки шоҳмот ватанига айланаётганини айтди. Барча адиблар, зиёлиларнинг бизнинг мамлакатимизга жуда яхши муносабат билан қараши, ҳавас қилиши яна бир бор кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен ижод ва яратувчиликнинг қадрига етадиган, инсон манфаати улуғланаётган юртда яшаётганлигимдан ғурурга тўлиб қайтдим.

Миллатларнинг буюклиги юраги ланғиллаб ёниб турган истеъдодли шоирлари тимсолида ҳам кўринади. Шеърият уммонида ўз сарҳадларини кашф қилган талантлар доимо инсон ва ҳаёт деган тушунчалар оралиғида беҳаловат яшайдилар. Улар қайси қитъа, қайси давлатда бўлмасин бир-бирини тез илғайдилар, дил билан сўзлашадилар. Башарият кўнглининг тилмочи улар. Шоирга кўп нарса керакмас. Эли озод, юрти тинч, подшоси халқпарвар мамлакатимизнинг келажагини бунёд этаётган халқнинг куйчиси бўлишдан ўзга саодат йўқ деб ўйлайман. Ҳур ва адолатли мамлакатдагина ижод аҳли эъзозланади ва шу юртда бошқа халқнинг қалам соҳибларига нисбатан ҳам эзгу ниятлар билан қаралади.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ШОҲМОТ

# РУСТАМ -- «БЕШ МИНУТИ КАМ ГРОССМЕЙСТЕР»

***Шоҳмот бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати аввалгиларидан бу сафар бир қатор гроссмейстерларни ўзига жалб этганлиги билан фарқ қилди. Табиийки, бу чемпионат нуфузининг ошишига, мухлислар қизиқишининг ортишига олиб келди. Шунингдек, Ўзбекистон чемпионатлари тарихида бу йил илк марта гроссмейстерлик нормаси белгиланди.***

Шоҳмотсеварларнинг тахминига кўра чемпионатда халқаро гроссмейстерлар Александр Ненашев ва Сайдали Йўлдошев муваффақият қозониши керак эди. Лекин... Дастлабки турда бу икки гроссмейстер бир-бирига қарама-қарши дона суриб, дурангга келишишди. Натижада дастлабки партияларда муваффақиятли дона сурган Владимир Егин пешқадамлик қила бошлади. У деярли сўнгги тургача мавқеини бўшаштирмади. Сўнгги турда эса Егин билан боғлиқ ўйин узоқ йиллар эсланиб юрадиган Ўзбекистон шоҳмоти тарихидаги воқеага айланди. Чунки 17 ёшли истеъдодли шоҳмотчимиз Рустам Қосимжонов ушбу партияда ғолиб чиқиб, иккинчи марта гроссмейстерлик талабини бажарди. Шоҳмотсеварларимизга яхши маълумки, Рустам бундан бир неча ой муқаддам Францияда ўтказилган йирик халқаро турнирда муваффақиятли дона суриб, кучлилар сафидан жой олган ва гроссмейстерликнинг биринчи талабини бажарган эди. Ўзбекистон чемпионатида у иккинчи бор шундай талабни бажариш имкониятига эга бўлди. Бунинг учун Рустам 13 та партияда 10 очкони қўлга киритиши лозим эди. Сўнгги тур олдидан ёш шоҳмотчимиз В. Егин билан бирга 9 очкога эга бўлди ва пешқадамлар ўзаро дона суришди. Партия давомида имкониятлар деярли тенг борди, томонларнинг узоқ ўйлашлари натижасида охир-оқибат ҳар иккиси ҳам цейтнот ҳолатига тушиб қолишдики, бундан Рустам Қосимжонов унумли фойдаланди. Шундай қилиб ёш шоҳмотчимиз нафақат иккинчи марта гроссмейстерлик талабини бажарди, балки 17 ёшида Ўзбекистон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди. У халқаро гроссмейстеримиз Сайдали Йўлдошевдан сўнг иккинчи ўзбек гроссмейстери бўлиши учун яна бир марта талабни бажариши керак. Шоҳмотчилар тили билан айтганда эндиликда Рустам Қосимжонов «беш минути кам гроссмейстер»дир.

Ўтган йилги чемпион Сайдали Йўлдошев бу сафар ўз имкониятлари даражасида ўйнолмади. У бор-йўғи 7,5 очко жамғариб, бешинчи ўринни эгаллади. В. Егин каби 9 очко жамғарган халқаро гроссмейстер Александр Ненашев қўшимча имкониятларга кўра учинчи ўрин билан кифояланди. Дмитрий Қаюмов ва Тоҳир Воҳидов 8 тадан очкога эга бўлишиб, 4—5-ўринларни ўзаро баҳам кўришди.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТИЛСИМ

# СИЗ ҚАНДАЙ УХЛАЙСИЗ?

... Осмонга қараб дейсизми? Чалқанча, ё чап, ё ўнг ёнбошда ухлайсиз. Нега одамлар бунақа турли-туман ҳолатларда дам олишади?

Бу тилсимот неча минг йилларки, одамзотни ўйга толдиради. Аксарият кўпчилик бу сирларнинг мағзини топишга уринади. Инсон руҳиятидан келиб чиқиб, биз юқорида санаб ўтган вазиятлар ҳақида дунё руҳшуносларининг айрим мулоҳазаларини келтирмоқни лозим кўрдик.

Фаранг руҳшуносларининг кузатувларига қараганда, агар одам қорни билан ётса, демак, уни шахсий ва иш фаолияти билан боғлиқ кўнгилсизликлар қийнаяпти. Ғужанак бўлиб ухлайдиганларни эса ёлғизлик азоблар экан. Осмонга қараб ётадиганлар мағрур ва иродаси мустаҳкам, ўз ниятлари йўлида курашадиганлар тоифасидан бўлса, бошини буркаб ухлайдиганларни тушкунлик эзармиш. Ёстиқ қучоқлаб ётадиганлар эса ҳақиқий муҳаббатга муҳтож кишилар саналаркан.

Ўнг ёнбоши билан дам оладиганларнинг ўз ишига ишончи бўлса, чап ёнбошидагилари эса ижодга кўнгил қўйган кишилар ҳисобланармиш..

Ҳайрон бўляпсиз-а? Булар энди руҳшуносларнинг кўп йиллик кузатувлари меваси-да.

**Раъно РАСУЛОВА,**
**шифокор.**


# «АСАКА» БАНКИ

Марказий қароргоҳ: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67

Телефон: 55-67-85 Факс: 54-06-59
СВИФТ: ASBKUZ22 РЕЙТЕРС: ASBU

«АСАКА» банкининг жойлардаги бўлимлари

| Бўлимлар номи | Манзилгоҳи | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент вилояти | Тошкент ш. | 243978 |
| Автотранспорт бўлими | Тошкент ш. | 568429 |
| Андижон вилояти | Андижон ш. | 264104 |
| Асака | Асака ш. Андижон вил. | 23505 |
| Бухоро вилояти | Бухоро ш. | 244238 |
| Жиззах вилояти | Жиззах ш. | 43487 |
| Қашқадарё вилояти | Қарши ш. | 33763 |
| Навоий вилояти | Навоий ш. | 30387 |
| Наманган вилояти | Наманган ш. | 26679 |
| Самарқанд вилояти | Самарқанд ш. | 217703 |
| Сирдарё вилояти | Гулистон ш. | 282888 |
| Сурхондарё вилояти | Ангор ш. | 22651 |
| Фарғона вилояти | Марғилон ш. | 370953 |
| Қўқон | Қўқон ш. | 35897 |
| Хоразм вилояти | Урганч ш. | 61930 |
| Қорақалпоғистон | Нукус ш. | 73675 |

ҲАР БИР МИЖОЗНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИ БОР

УЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

- *миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб рақамларини очиш*
- *кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун маблағ (кредит) бериш (миллий ва хорижий валютада)*
- *пул маблағлари ва қимматли қоғозларни эътимодли (ишончга асосланиб) бошқариш*
- *халқаро стандартлар асосида банк операцияларининг барча турлари бўйича ҳар томонлама хизмат кўрсатиш*
- *мутахассислар маслаҳати*

ВАКИЛ БАНКЛАР

- *Дойче Банк (Франкфурт)*
- *Берлинер Банк (Берлин)*
- *Коммерц Банк (Франкфурт)*
- *Корея Ексчейнс Банк (Сеул)*
- *Корея Фест Банк (Сеул)*
- *Кредит Свисс (Цюрих)*
- *Юнион Банк оф Свитцеланд (Цюрих)*
- *Чейз Манхэтен Банк (Нью-Йорк)*
- *Банк оф Нью-Йорк (Нью-Йорк)*
- *Сити Банк (Нью-Йорк)*
- *ABN Амро Банк (Амстердам)*
- *Барклайз Банк (Лондон)*
- *Брюссельз Ламберт (Брюссель)*
- *Сакуро Банк (Токио)*

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ

- *Барқарорлик*
- *Махфийлик*
- *Ҳисобларнинг аниқлиги ва ўз вақтида бажарилиши*
- *Малакали банк хизмати*

*БИЗЛАРДА НАҚД ПУЛ МАСАЛАСИДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММО ЙЎҚ. ҲАР БИР МИЖОЗ БИЗ УЧУН МУҲИМ ВА ЎЗИГА ХОСДИР.*



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳаррирят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0298, 40.290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир—Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6